



182

2013 у.г. "20" сентябрь № 961-К Самарqand t-р Самарканд

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласида фуқаро Қобилов Бахтиёрга авария чақирuvi ва тиббий ёрдам билан техник ёрдам кўрсатиш пункти ҳамда умумий овқатланиш ва савдо шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Қобилов Бахтиёр туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудидан авария чақирuvi ва тиббий ёрдам билан техник ёрдам кўрсатиш пункти ҳамда умумий овқатланиш ва савдо шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси ҳулосасини, “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2013 йил 13 майдаги 144 сонли баёнини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Қобилов Бахтиёрга “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи М-39 Тошкент Термез йўли ёқасида авария чақирuvi ва тиббий ёрдам билан техник ёрдам кўрсатиш пункти ҳамда умумий овқатланиш ва савдо шахобчаси қуриш учун 0.09 га. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Қобилов Бахтиёрга авария чақирuvi ва тиббий ёрдам билан техник ёрдам кўрсатиш пункти ҳамда умумий овқатланиш ва савдо шахобчаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев